

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.3/10.12.2019. I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУЛЛАБАЕВ БАХТИЯРЖОН БУЛТУРБАЕВИЧ

ВЕРТИКАЛ ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИ
БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

08.00.13 – Менежмент (иқтисодиёт фанлари)

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
economics sciences**

Муллабаев Бахтияржон Бултурбаевич

Вертикал интеграциялашган саноат корхоналарини бошқариш
самарадорлигини ошириш..... 3

Муллабаев Бахтияржон Бултурбаевич

Повышение эффективности управления вертикальными
интегрированными промышленными предприятиями..... 25

Mullabaev Bahtiyarjon Bulturbayevich

Improving the efficiency of management of vertical integrated industrial
enterprises..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.3/10.12.2019. I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУЛЛАБАЕВ БАХТИЯРЖОН БУЛТУРБАЕВИЧ

ВЕРТИКАЛ ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИ
БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

08.00.13 – Менежмент (иқтисодиёт фанлари)

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.PhD/Iqt447 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsue.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Зайнутдинов Шавкат Нуриддинович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Асқаров Нодирбек Иброхимович
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Исаев Равшан Абдурахмонович
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етақчи ташкилот:

Фарғона политехника институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.3/10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tsue@tsue.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (____рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72.

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ да тарқатилди.

(2020 йил «__» _____даги _____рақамли реестр баённомаси).

А.Ш. Бекмуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

У.В. Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.д., профессор

Ш.Дж. Эргашходжаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон мамлакатларида замонавий менежмент стратегияларини жорий этиш ҳисобига саноатни инновацион ривожлантиришда вертикал интеграциядан самарали фойдаланиш тажрибаси тобора кенгайиб бормоқда. Жумладан, «Халқаро амалиётда йирик ишлаб чиқариш саноатининг қарийб 90 фоизидан ортиғи, хусусан, тўқимачилик саноатида 65 фоизи айнан вертикал интеграциялашган тизимлар асосида бошқарилмоқда»¹. Вертикал интеграция стратегияларидан фойдаланиш орқали жаҳон мамлакатлари ташқи иқтисодий фаолиятини жадаллаштириш, халқаро бозорларда ўз ўрнини эгаллаш ҳамда самарали корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон мамлакатларида саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини оширишда замонавий инновацион менежмент стратегияларидан фойдаланиш, бирламчи хом-ашёдан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришгача бўлган жараёнларнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини тубдан такомиллаштириш, ишлаб чиқариш жараёнига таъсир этувчи экзоген ва эндоген омиллар таъсирини баҳолаш, саноат корхоналари инновацион фаолиятининг самарали ташкилий-иқтисодий механизминини ишлаб чиқиш муҳим тадқиқот йўналишларидан ҳисобланади. Саноат корхоналарини вертикал интеграциялашнинг фаолият самарадорлигига таъсири, интеграциялаш жараёнларининг инновацион шакллари жорий этиш, бошқарув самарадорлигини оширишда кооперациялаш ва диверсификациялаш имкониятларидан фойдаланиш сингари масалалар бу борадаги илмий тенденцияларни намоён этади.

Ўзбекистон Республикасида саноатни ривожлантириш борасида қулай иқтисодий муҳит шакллантирилиб, меъёрий-ҳуқуқий асослар такомиллаштирилмоқда. Саноат салоҳиятини оширишга йўналтирилган чоратadbирлар натижасида «ишлаб чиқариш умумий ҳажми ошиши ва ЯИМ таркибида саноатнинг улуши 2018 йилда 32,9 фоизни ташкил этиб, унинг ўсиш суръатига сезиларли таъсир кўрсатди ва 2017 йилга нисбатан 10,6 фоизга ошди»². Саноат корхоналарини инновацион ривожлантиришда замонавий менежмент стратегияларини жорий этиш, ишлаб чиқариш тизимини янада такомиллаштириш имкониятлари мавжуд бўлиб, улардан фойдаланиш корхона фаолиятини бошқаришда вертикал интеграциялаш жараёнлари самарадорлигини оширишни тақозо этади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом - ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва

¹ The state of the deal / M&A trends 2019. <https://www2.deloitte.com/content/dam/Deloitte/us/Documents/mergers-acquisitions/us-mergers-acquisitions-trends-2019-report.pdf>

² <https://stat.uz/uploads/doklad/2018/yanvar-dekabr/uz/doklad-yan-dek-uz.pdf>

диверсификация қилиш»³ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг самарали бажарилиши иқтисодиётнинг барча тармоқ ҳамда соҳаларида бошқарув тизимини айти хорижий компаниялар тажрибасини чуқур ўрганиш асосда такомиллаштириш ҳамда уларни амалиётга фаол татбиқ этиш, ишлаб чиқариш, ташқи иқтисодий ва инвестиция жараёнларига замонавий вертикал ва горизонтал интеграллашуви масалаларини жорий этишни талаб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сон «Тўқимачилик ва тикув трикотажи саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 12 февралдаги ПҚ-4186-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотажи саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Саноат корхоналарида бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий жиҳатларини такомиллаштириш, уларни инновацион ривожлантириш, бошқарувда замонавий менежмент тизимларини жорий этиш ва бошқарув самарадорлигини ошириш бўйича бир қатор хорижий иқтисодчи олимлар, жумладан, И.Ансофф, М.Мескон, А.Шлейфер, М.Хессель, У.Хорнби, Б.Гемми, С.Уолл илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар⁴.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида вертикал интеграцияни таъминлашга қаратилган менежмент стратегияларини қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги, трансакция харажатларининг қисқариши, ўзаро корпоратив муносабатларнинг ривожланиши бўйича А.Булатов, А.В.Бандурин, Р.Энтов, А.Радыгин, Н.Рудник, Е.В.Семеникова ва И.А.Храброва⁵ каби олимлар илмий изланишлар олиб борганлар.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони. // www.lex.uz.

⁴ Ансофф И. Новая корпоративная стратегия. – СПб: Издательство «Питер», 1999. -416 с.; Мескон М, Альберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента. – М.: Дело, 2000. -564 с.; Ла Порте Р., Лопес-де-Силанес Ф., Шлейфер А. Корпоративная собственность в различных странах мира // Российский журнал менеджмента, 2005,- №3,-148; Хессель М. Корпоративное управление. Владельцы, директора и наемные работники акционерного общества. – М.: Партнер, 2004. -49 с.; Хессель М. Корпоративное управление. Владельцы, директора и наемные работники акционерного общества. – М.: Партнер, 2004. -49 с; Хорнби У., Гемми Б., Уолл С. Экономика для менеджеров: Уч.пособие для вузов / Пер. С англ.; Под ред. Никитина А.М. – М.:ЮНИТИ, 1999. -535 с.

⁵ Булатов А.Н. Методические инструменты комплексной оценки экономической эффективности корпоративного управления на промышленных предприятиях Российской Федерации. Дисс. канд. экон. Наук. – К.: 2001. -183 с.; Бандурин А.В. Деятельность корпораций. – М.: БУКВИЦА, 1999. -560 с.; Радыгин А.Д., Энтов Р.М. Корпоративное управления и защита прав собственности: эмпирический анализ и актуальные направления реформ. – М.: ИЭПП, научные труды №36Р, 2001. -186 с.; Рудник Н.Б., Семеникова Е.В. Рынок корпоративного

Ўзбекистон Республикасининг инновацион менежмент фаолиятини ривожлантириш ва ишлаб чиқариш тармоқларида бошқарувнинг таркибий ўзгаришлари билан боғлиқ муаммолар ҳамда инновацион бошқарув самарадорлигини ошириш йўллари ва ишлаб чиқариш тузилмаларини такомиллаштириш бўйича М.Шарифхўжаев, Ш.Зайнутдинов, Б.Ю.Ходиев, Б.Беркинов, М.Л.Турсунходжаев, Қ.Абдурахмонов, Д.Рахимова, Ш.Юлдашев, М.Хамидулин, Д.Суюнов ва бошқаларнинг илмий тадқиқотлари диққатга сазовор⁶.

Юқорида келтирилган иқтисодчи олимларнинг олиб борган тадқиқотлари натижаларидан ҳозирги кунгача фойдаланиб келинаётган бўлса-да, уларнинг ишларида ишлаб чиқаришнинг турли шакллари билан боғлиқ инновацион фаолиятни бошқаришда вертикал интеграциядан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари, саноат корхоналари фаолиятининг иқтисодиётда инновацион ривожлантириш механизмларини жорий этиш ва такомиллаштириш ҳамда вертикал интеграциядан фойдаланиш масалаларига етарлича эътибор қаратилмаганлиги мазкур тадқиқот иши мавзуси танланишига сабаб бўлди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, ПЗ-20170928153 - «Корхоналар инновацион ривожланиши шароитида вертикал интеграциядан самарали фойдаланиш йўллари» (2018-2020 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади вертикал интеграциялашган саноат корхоналарини бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

вертикал интеграциялашган саноат корхоналари фаолиятини бошқаришнинг илмий-назарий жиҳатларини асослаш;

вертикал интеграциялашган саноат корхоналарини бошқариш тамойиллари ва хусусиятларини ўрганиш;

вертикал интеграциялашган саноат корхоналарида бошқарув тизимлари ва замонавий моделларини аниқлаш;

енгил саноат тармоқларида вертикал интеграциялашган корхоналарнинг бошқарув фаолиятини таҳлил қилиш;

контроля: слияния, жесткие поглощения и выкупки долговым финансированием. – М.: Финансы и статистика, 2004. -21 с; Храброва И.А. Корпоративное управление: вопросы интеграции. -М.: 2000. -198 с.; Гулямов С.С. Развитие законодательство об акционерных обществах в системе корпоративных отношений и проблемы его совершенствования: Автореф. Дис. На соискание степени доктора юридических наук. – Т.: ТГЮИ. 2005. -43 с.

⁶ Зайнутдинов Ш.Н., Шермухамедов А.Т. Менежмент назарияси. Дарслик. – Т.: Иқтисодчи, 2014 йил 270 бет; Б.Ю.Ходиев ва бошқалар Корпоратив бошқарув. – Т.:ТДИУ, 2010, 220 бет; Беркинов Б.Б. Корпоративные структуры (Основы создания и управления). – Т.: Изд-во Нац. б-ки Узбекистана, 2005. -132 с.; Турсунходжаев М.Л., Зайнутдинов Ш.Н. Производственный менеджмент. Учебное пособие. – Т.: Иқтисод-молия, 2006, 224 с.; Д.Н.Рахимова, К.Х.Абдурахмонов ва бошқалар. Замонавий менежмент: назария ва амалиёт.-Т.: Ғофур Ғулом, 2009. 792 б.; Ш.Ғ.Юлдашев, М.Б.Хамидулин, Д.Суюнов. Акционерлик жамиятларида корпоратив бошқарув. Ўқув қўлланма. – Т.: Академия, 2005. –138 б.; Суюнов Д.Х. Бизнес муҳитининг ривожланишига корпоратив бошқарув механизмининг жорий этишни такомиллаштириш.: иқтисод фанлари доктори дисс. автореф. – Т., 2008. -45 б.

енгил саноат корхоналарининг интеграциялашув жараёнларини
эконометрик таҳлил қилиш;

вертикал интеграциялашган саноат корхоналарини бошқариш
самарадорлигини баҳолаш методологиясини ишлаб чиқиш;

саноат корхоналарида вертикал интеграция жараёнлари тизимини
такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини тадқиқ қилиш;

саноат корхоналарини вертикал интеграциялаш асосида инновацион
бошқарув тизими самарадорлигини ошириш механизминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Наманган вилоятидаги вертикал
интеграциялашган саноат корхоналарининг бошқарув фаолияти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети вертикал интеграциялашган саноат корхоналари
самарадорлигини ошириш жараёнида юзага келувчи иқтисодий муносабатлар
ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда мақсадли тизимлаштириш,
статистик таҳлил, эмпирик баҳолаш, иқтисодий-математик, регрессион ва
корреляцион таҳлил, омилли таҳлил, SWOT ва PEST, стратегик таҳлил
усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

вертикал интеграциялашган саноат корхоналари фаолиятини самарали
бошқариш жараёнининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва соф фойдасига
боғлиқ бўлган сценарий усуллари такомиллаштирилган;

саноат корхоналарида инновацион фаолиятни бошқариш самарадорлигини
оширишнинг интеграциялашган бошқарув стратегик модели ишлаб чиқилган;

инновацион ривожланиш шароитида вертикал интеграциялашган саноат
корхоналари бошқариш самарадорлигини баҳолаш усули меҳнат унумдорлиги
ва меҳнат самарадорлигини ҳисоблаш асосида такомиллаштирилган;

вертикал интеграциялашган саноат корхоналарини бошқариш
самарадорлигини оширишнинг 2020-2025 йилларга мўлжалланган прогноз
кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасига аъзо корхоналарнинг ресурслар
таъминотини бошқаришнинг самарали интеграциясини таъминлашга
асосланган тизими ишлаб чиқилган;

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасига аъзо вертикал интеграциялашган
корхоналарнинг инновацион фаолиятини йўлга қўйиш, ишлаб чиқаришни
ташқил этишнинг истикболли дастури таклиф этилган;

Наманган вилоятидаги тўқимачилик корхоналарида вертикал
интеграциялашув жараёнларида инновацион фаолиятини бошқариш моделидан
фойдаланиш асосида корпоратив маданиятни шакллантириш усуллари таклиф
этилган;

«UZTEX Uchkurgan» қўшма корхонасида вертикал интеграциялашган
модель асосида бошқарув фаолияти амалга оширишнинг «Йўл харитаси» ишлаб
чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг
ишончлилиги уларни таниқли иқтисодчи олимларнинг саноат корхоналарини

ривожлантириш тамойиллари борасидаги илмий-назарий қарашларини қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш, илғор хорижий тажрибани ўрганиш, умумлаштириш, корхоналарнинг статистик ва бухгалтерия ҳисоботлари, муаллифнинг эмпирик тадқиқоти натижалари, расмий статистик маълумотлар ҳамда бошқа расман эълон қилинган амалий маълумотлар таҳлиliga асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ишлаб чиқилган илмий таклифлардан саноат корхоналарида менежмент самарадорлиги ва инновацион фаолликни ошириш, технологик жиҳатдан янги сезиларли даражада такомиллашган услубиётларини ишлаб чиқиш, шунингдек, инновацион фаолиятни ривожлантириш асосида вертикал интеграциялашган саноат корхоналари самарадорлигини ошириш муаммоларини аниқлаш ҳамда саноат корхоналари самарадорлигини оширишда вертикал интеграцияга мос замонавий ёндашувни татбиқ этишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, енгил саноат корхоналарининг самарадорлигини ошириш ва ривожланишининг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш, корхоналарнинг инновацион фаолиятини йўлга қўйиш, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг истиқболли дастурини шакллантириш ҳамда прогнозлашда фойдаланилади. Ишлаб чиқаришнинг вертикал интеграциясини шакллантириш бўйича тавсиялардан саноат корхоналари фаолиятини самарали ташкил этиш ва улар салоҳиятини ошириш борасида қабул қилинаётган қарор ҳамда мақсадли дастурларни белгилашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Вертикал интеграциялашган саноат корхоналарини бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

вертикал интеграциялашган саноат корхоналари фаолиятини самарали бошқариш жараёнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва соф фойдасига боғлиқ бўлган сценарий усуллари «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибига кирувчи корхоналар фаолиятига жорий этилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2019 йил 20 февралдаги 04/06-846-сон маълумотномаси). Мазкур илмий янгиликнинг «UZTEX Uchkurgan» қўшма корхонаси фаолиятига жорий этилиши натижасида 38,6 млн. сўмлик қўшимча даромад олишга эришилган;

саноат корхоналарида инновацион фаолиятни бошқариш самарадорлигини оширишнинг интеграциялашган бошқарув стратегик модели «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибига кирувчи «UZTEX Uchqorgon» қўшма корхонаси фаолиятига жорий этилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2019 йил 20 февралдаги 04/06-846-сон маълумотномаси). Мазкур илмий янгиликни «UZTEX Uchkurgan» қўшма корхонаси фаолиятига жорий этилиши натижасида 2018 йилда 22,5 млн. сўмлик қўшимча иқтисодий самарага эришилган;

инновацион ривожланиш шароитида вертикал интеграциялашган саноат корхоналари самарадорлигини баҳолаш усулини меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш асосида такомиллаштириш бўйича берилган таклифлар

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибига кирувчи «Namimpekstekstil» масъулияти чекланган жамияти фаолиятига жорий этилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2019 йил 20 февралдаги 04/06-846-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларни «Namimpeks-tekstil» масъулияти чекланган жамияти фаолиятига жорий этилиши натижасида 2018 йилда бошқарув харажатларини 35,2 млн. сўмга қисқартиришга эришилган;

вертикал интеграциялашган саноат корхоналарини бошқариш самарадорлигини оширишнинг 2020-2025 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари бўйича берилган таклифлар «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси фаолиятини стратегик ривожлантириш амалиётига жорий этилган. («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2019 йил 20 февралдаги 04/06-846-сон маълумотномаси). Ушбу прогноз кўрсаткичлари асосида 2020-2025 йиллар учун «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибидаги вертикал интеграциялашган саноат корхоналарини бошқариш самарадорлигини ошириш стратегияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий журналларда 9 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда ҳамда 13 та маъруза тезислари халқаро ва республика илмий-амалий анжуманлари тўпламларида нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, учта боб, 9 та параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, унинг ҳажми 139 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ҳамда амалий аҳамияти изоҳлаб берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Вертикал интеграциялашган саноат корхоналарини бошқаришнинг илмий-назарий асослари**» деб номланган биринчи бобда вертикал интеграциялашган саноат корхоналари фаолиятини бошқариш назариялари, тамойиллари ва хусусияти ҳамда уларнинг ўзаро муносабатлари ва тизими баён этилган.

Диссертацияда вертикал интеграция (вертикал концентрация) «ягона ишлаб чиқариш занжирини ҳосил қилувчи инфратузилмалар, жумладан, ягона корхона, инфратузилма, бизнес жараёнлари, технологиялар, ваколатлар ва ҳоказоларни ўз ичига олувчи ҳамжамиятлар» сифатида талқин этилган. Улар одатда холдинг компаниялари сифатида ҳам эътироф этилади. Вертикал интеграциялашган компаниялар одатда унинг эгаси томонидан назорат қилинади. Одатда ҳар бир холдинг компанияси умумий эҳтиёжларни қондириш учун турли маҳсулот ёки хизматларни ишлаб чиқаради.

Илмий тадқиқотларни ўрганиш натижаларидан маълумки, вертикал интеграцияни яратишдан юқори самарадорликка эришиш имконини берувчи бир қатор қоидалар мавжуд, жумладан:

вертикал интеграция тармоқ ёки соҳаларнинг бошланғич ва якуний босқичларида оралиқ босқичларга нисбатан юқорироқ самара беради;


вертикал интеграция технологик ўзаро боғлиқликка асосланади, шунинг учун саноатда алоҳида ва руҳсат этиладиган йўналишларга нисбатан узлуксиз ишлаб чиқариш мавжуд бўлганда янада самарали бўлади;

оралиқ ва якуний маҳсулотни ишлаб чиқарувчилар ўртасида вертикал интеграция оралиқ маҳсулотни ишлаб чиқариш учун зарур юқори даражали активлар зарур бўлганда бозор операциялари тизимига мос келади, оралиқ маҳсулотлар ҳам ўзига хосдир, шунинг учун уни эркин бозорда сотиш эҳтимоли кам ва технологиялар арзон ишлаб чиқариш харажатлари ёки ҳаракатнинг натижаси олдиндан номаълум бўлганда самарали ҳисобланади.

Илмий тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистон саноат корхоналарида муддати ўтиб кетган эскириб қолган техника ва технология ҳозирда 30 фоизни ташкил этмоқда. Ресурслар муаммосининг узил-кесил ҳал этилиши интенсификациянинг иккинчи босқичи билан боғлиқ бўлиб, уни интеграцион ўсишга ўтиш сифатида тавсифлаш мумкин. Мазкур ҳолатлар, мамлакатимиз саноат корхоналарида вертикал интеграциялашган тузилмаларни яратиш ва уларни самарали бошқариш жараёнларини, ўз навбатида, ишлаб чиқариш жараёнининг янги кўринишларини жорий этиш, иш ўринларини ташкил этиш ҳамда ташқи алоқаларнинг кенгайтишига шароит яратади.

Мамлакатда фаолият юритаётган корхоналарда бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий жиҳатларини такомиллаштириш, инновацион фаолиятни бошқаришда вертикал интеграция стратегияларидан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатларини илмий асослаш, саноат корхоналари фаолиятининг ҳозирги ҳолати, уларнинг бошқарув механизмини такомиллаштириш стратегияси ҳамда бошқарув тизимини ривожлантириш истиқболини белгиловчи восита ва механизмларни такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқиш заруратини келтириб чиқаради.

Замонавий менежмент амалиётида корхоналарни инновацион бошқаришнинг асосий тамойилларидан бири сифатида илмийлик тамойили муҳим асос ҳисобланади. Бунда, албатта, корхонанинг вертикал интеграция стратегиясини такомиллаштириш, айниқса, бошқарувнинг самарали механизмларини жорий этиш ва такомиллаштириб бориш масалаларини илгари суриш мақсадга мувофиқдир.



1-расм. Иқтисодий ўзаро вертикал интеграция муносабатлари модели⁷

1-расмда компания ўзаро ресурс бозорлари, истеъмол бозорлари билан ҳам ўзаро муносабатда бўлиши кўрсатиб ўтилган. Ҳар бир ўзаро муносабатлар бузилганда – йўналишлар ёки жараёнга жалб этилган компаниялар ҳар бирининг сифат жиҳатдан паст даражали фаолиятида яқуний маҳсулот сифатсиз бўлиши ёхуд умуман яратилмаслиги, яъни ушбу маҳсулотни ишлаб чиқаришга сарфланувчи ресурслар бутунлай исроф бўлиши мумкин. Бу хавфни камайтиришга ушбу жараённинг барча таркибий қисмларининг назорат қилиниши ёрдам беради.

Бундай ёндашув, истеъмолчиларнинг талаб ва истаклари, муайян харидорларнинг сўровлари ва талабга эга юқори даромад берувчи маълум маҳсулот турларини ишлаб чиқарувчи мавжуд корхоналарни қайта ташкил этиш ҳамда янгиларини жорий этишга тезкор ва сифат жиҳатдан йўналтириш, ишлаб чиқариш харажатларини оптималлаштириш орқали самарадорликни ошириш, хўжалик мустақиллиги ҳамда яқуний мақсадларга эришиш учун

⁷ Муаллиф ишланмаси.

масъул бўлинмаларда эркин қарор қабул қилинишини таъминлаш имконини беради.

Шундай қилиб, вертикал интеграцияда иштирок этувчи корхоналарнинг рақобат устунлигини кучайтириш, унинг жараёнлари самарадорлигини ошириш ва харажатларни оптималлаштириш ҳисобига даромадлилигини оширишга кўмаклашиш имконини беради. Вертикал интеграцияланган тузилмаларни бошқаришда асосий тенденция анъанавий, чизикли-функционал бошқарув тизимлари сингари, инновацион технологиялардан фойдаланувчи янги тузилмалар ҳамда компаниялар бошқарувининг марказлашувидан давлат тасарруфидан чиқаришгача бошқарув тизимларни қайта ташкил этишга нисбатан илғор тизимларни ҳам жорий этиш ҳисобланади. Ушбу жараённинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури бўйича компаниялар бўлинмаларини ташкил этиш;

қарам бўлинмалар ёки компанияларнинг ишлаб чиқариш-хўжалик жараёнларини ташкил этишни юқори бўғин раҳбарларининг масъулият зонасига киритиш;

бош компания ижроия бўлинмаларига бўйсунтириш.

Компанияни бошқаришнинг ташкилий тузилмасини давлат тасарруфидан чиқариш стратегик даража ва тактик ишлаб чиқариш-хўжалик даражасига тақсимлашга асосланади. Шундай қилиб, бўлинма ва компанияларнинг бошқарув органларига кенг ваколатлар берилади ва уларнинг масъулияти соҳасига корхона маҳсулотлари рақобатбардошлиги ҳамда бошқа муҳим кўрсаткичларни таъминловчи ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти натижаларини ўз ичига олади.

Тадқиқот ишида айтиб ўтилганидек, юқори даражадаги менежмент учун узок муддатли режаларни белгилаб олиш, узок муддатли прогнозлаш, узок муддатли ташқи алоқаларни ишлаб чиқиш билан шуғулланиш учун шароитлар таъминланмоқда, бу эса компанияга сифатли фаолиятни режалаштириш ҳисобига бозорда рақобат устунлигига эришиш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, корхоналар инновацион фаолиятини бошқаришда вертикал интеграциядан фойдаланиш самарадорлигини ошириш корхона фаолиятининг бир қисми бўлиб, юқори ишлаб чиқариш технологияларига асосланган корпорацияларнинг ташкил топиши давлатнинг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитларни яратади. Республикада яратилаётган бозор тизими кучли бўлиши билан бирга давлат томонидан қабул қилинган қонунлар ва иқтисодий механизмлар орқали тўлиқ назоратга олиниши, ўз навбатида, корпорацияларнинг вужудга келишини таъминлайди.

Диссертациянинг «**Вертикал интеграциялашган саноат корхоналарида бошқарув жараёнлари ҳолати таҳлили**» деб номланган иккинчи бобда Ўзбекистон Республикаси енгил саноат тармоқларида вертикал интеграциялашган корхоналарнинг бошқарув фаолияти таҳлили, Наманган вилояти енгил саноат корхоналари интеграциялашув жараёнларининг эконометрик таҳлили, вертикал интеграциялаш жараёнлари асосида корхоналарнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш прогнози бўйича

муаллиф ёндашувлари олиб борилиб, вертикал интеграциялашган бошқарув стратегиясидан фойдаланиш имкониятлари, корхоналар рақобатбардошлиги муаллиф томонидан ишлаб чиқилган усуллар асосида баҳоланган.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тармоқларининг таркибий ўзгариш асосида вертикал интеграциялашувини таъминлаш нафақат тармоқлар ишлаб чиқаришини ривожлантириш, балки инновацион фаолият бошқарувини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода, муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси енгил саноатининг «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасига аъзо корхоналарда вертикал интеграциялаш натижасида бошқарув самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларини белгилаш мақсадида корхоналарнинг вертикал интеграция жараёнлари ҳолати амалий жиҳатдан ўрганилди.

Ўзбекистон Республикаси «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасига аъзо корхоналар маҳсулот ишлаб чиқариши – Y га таъсир этувчи, корхоналар сони – X_1 , сотилган маҳсулот (товарлар, иш ва хизматлар) таннархи – X_2 , маҳсулот (товарлар, иш ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушуми – X_3 , асосий воситаларнинг бошланғич қиймати – X_4 ва асосий воситаларнинг эскириш қиймати – X_5 белгиловлар асосида иқтисодий кўрсаткичлар танлаб олинади⁸.

Танлаб олинган омиллар асосида уларнинг ўзаро боғлиқлик даражасини корреляция коэффиценти орқали EXCEL дастурида аниқлаш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасига аъзо корхоналар иқтисодий кўрсаткичларининг корреляция таҳлили⁹

	Y	X_1	X_2	X_3	X_4	X_5
Y	1					
X_1	0,933385	1				
X_2	0,9836894	0,7681273	1			
X_3	0,9693652	0,7472270	0,6935444	1		
X_4	0,9422892	0,780038	0,7812438	0,7762072	1	
X_5	0,9166932	0,780446	0,6701967	0,5661216	0,7926793	1

Жадвал маълумотларида келтирилишича, натижавий омил билан танланган омиллар ўртасида кучли боғланиш бўлиб, омиллар ўртасида ўзаро боғланиш зич ва $|r_{x_1, x_2}| < 0,8$ шартлари бажарилганлиги, омиллар ўртасида мультиколленеарлик мавжуд эмаслиги аниқланиб, регрессия тенгламасини тузиш мумкин. Регрессия тенгламаси натижавий омил билан танланган омиллар ўртасида қандай функционал боғланиш мавжудлигини кўрсатади. Регрессия тенгламасини тузиш учун ҳозирги кунда энг қулай Eviews дастуридан фойдаланиш ўринли ҳисобланади.

⁸ Савицкая Г. В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия: Учебник. 3-е изд., перераб. и доп. – М.: ИНФРА-М, 2004. – С. 225.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Бунда албатта аниқланган регрессия тенгламаларининг ишончилиги ва адекватлигини маълум мезонлар асосида текшириш лозим. Моделни баҳолашда аниқланган «Akaike», «Schwarz» ва «Hannan-Quinn» маълумот ўлчамларидан «Энг кичик квадратлар (Least Squares (Gauss-Newton / Marquardt steps) усуллари қўлланилди.

2-жадвал

Мезонлар асосида регрессия тенгламасининг ишончилик ва адекватлик натижалари¹⁰

R-squared	0.896353	Mean dependent var	108.6350
Adjusted R-squared	0.879331	S.D. dependent var	56.00613
S.E. of regression	3.682046	Akaike info criterion	9.794668
Sum squared resid	84.91895	Schwarz criterion	9.158121
Log likelihood	-28.76801	Hannan-Quinn criter.	9.724103
F-statistic	27.80241	Durbin-Watson stat	1.852415
Prob(F-statistic)	0.001270		

2-жадвалга кўра, олинган моделнинг таҳлил қилинаётган «Akaike-AIC = 9,79», «Schwarz-BIC = 9,16» ва «Hannan-Quinn-HQ = 9,72» га ва элементлари биринчи тартибдаги кетма-кетлиги автокорреляциясини тест қилиш имконини берувчи статистик мезони – Durbin-Watson-DW = 1,85 қийматга тенглиги бўйича аниқланган адекват регрессия тенгламаси қуйидагича ифодаланади:

$$Y = 211,99 + 0,96 \cdot X_1 - 0,0087 \cdot X_2 + 0,079 \cdot X_3 + 0,043 \cdot X_4 - 0,064 \cdot X_5 \quad (1)$$

бу ерда: Y – корхоналар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми;

X_1 – корхоналар сони;

X_2 – сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннархи;

X_3 – маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушуми;

X_4 – асосий воситаларнинг бошланғич қиймати;

X_5 – асосий воситаларнинг эскириш қиймати;

Аниқлаган (1)-регрессия тенгламаси бўйича хулоса қилсак, ҳозирги шароитда «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасида ташкил этиладиган ёки аъзо корхоналар сонини 10 бирликка ошириш маҳсулот ҳажмининг 9,6 бирликка, маҳсулот (товарлар, иш ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушуми орқали 0,8 бирлик ва асосий воситаларнинг бошланғич қиймати 0,4 бирлик қўшимча ошишига олиб келиши аниқланди.

Аммо, ўз навбатида маҳсулот (товарлар, иш ва хизматлар) таннархини ва асосий воситаларнинг эскириш қийматини 100 бирликка камайтириш ҳисобига корхоналарда ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажмини мос равишда 0,9 ва 6,4 бирлик қўшимча ошириш имконини беради.

¹⁰ Муаллиф ишланмаси.

Агар «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасига аъзо корхоналарнинг соф фойдаси – Y ҳамда унга таъсир этувчи омиллар сифатида корхоналарга киритилган инвестициялар – X_1 , фойда солиғини тўлагунга қадар фойдаси – X_2 , давр харажатлари – X_3 ва асосий воситаларнинг бошланғич қиймати – X_4 ўртасидаги функционал боғланишлар асосида таҳлил амалга оширилса, бу танланган тармоқларнинг ҳолати бўйича аниқ илмий жиҳатдан хулосалар чиқаришга имконият беради. Бунинг учун танланган кўрсаткичлар ўртасидаги корреляцион боғланиш EXCEL дастурида аниқланади ва натижа 3-жадвалда ифодаланади.

3-жадвал

Соф фойда ва унга таъсир этувчи омиллар ўртасида корреляцион боғланиш натижалари¹¹

	Y	X_1	X_2	X_3	X_4
Y	1				
X_1	0,694600779	1			
X_2	0,986158078	0,742160898	1		
X_3	0,733681506	0,790585557	0,632628038	1	
X_4	0,712455227	0,72804432	0,71287124	0,792088743	1

3-жадвал натижаларига кўра, «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасига аъзо корхоналар соф фойдаси давр харажатлари билан кучли(0,986158078) ва қолган омиллар билан эса мос равишда $r_{Y,X_1} = 0,695$, $r_{Y,X_3} = 0,734$ ва $r_{Y,X_4} = 0,713$ ўртачадан зичроқ боғланишга эга эканлиги аниқланди. Ушбу омиллар ўртасидаги корреляцион боғланишга асосланиб, регрессия тенгламасини тузамиз. Унга кўра регрессия тенгламаси қуйидагича ифодаланади:

$$Y_{\text{ўз.аъзо}} = 16,8 + 0,211 \cdot X_1 + 0,917 \cdot X_2 - 0,53 \cdot X_3 + 0,022 \cdot X_4, \quad (2)$$

бу ерда: Y – корхоналар соф фойдаси; X_1 – корхоналарга киритилган инвестициялар ҳажми; X_2 – корхоналарнинг фойда солиғини тўлагунга қадар фойдаси; X_3 – корхоналарнинг давр харажатлари; X_4 – асосий воситаларнинг бошланғич қиймати.

Аниқланган (2)-регрессия тенгламасига эътибор қаратилганда, «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасига аъзо корхоналарга киритилган инвестициялар ҳажми, фойда солиғини тўлагунга қадар фойдаси ва асосий воситаларнинг бошланғич қийматини 10 фоизга ошириш, корхоналар соф фойдаси мос равишда 2,1 фоиз, 9,2 фоиз ва 0,22 фоиз кўшимча олишига олиб келади. Таъкидлаш жоизки, тадқиқот даври бўйича олганда уюшма таркибига киритилган корхоналарнинг давр харажатлари ошиб кетганлиги аниқланиб, 10 бирлик давр харажати олиши соф фойда кўрсаткичи 5,3 бирлик камайишига олиб келади. Бу борада корхоналарни тежамкор технологиялар билан таъминлаш ва муқобил энергиядан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

¹¹ Муаллиф ишланмаси.

Таҳлиллар кўрсатадики, корхоналарда вертикал интеграциялашган бошқарувда инновацион жараёнларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш миллий иқтисодиётнинг рақобатчилик муҳити вужудга келишини таъминлайди. Натижада иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг мазмуни нафақат бойитилади, балки ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назардан самарали хўжалик юритиш фаолияти, тармоқ ва соҳаларнинг кенг ҳамда ҳар томонлама ривожланиши учун замин яратилади. Бунинг учун албатта, Ўзбекистон Республикаси «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасига аъзо ва аъзо бўлмаган корхоналар фаолиятининг ҳозирги кун талабидан келиб чиққан ҳолда истиқболларини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Чунки ҳар икки турдаги корхона фаолиятларини алоҳида-алоҳида прогнозлаш вертикал интеграциялашган корхоналар тўғрисида аниқ ва ишончли хулоса чиқариш имконини беради.

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасига аъзо корхоналарнинг соф фойдаси - Y ни келгуси ўзгариши юқорида аниқланган (2)-модель орқали аниқланади:

$$Y_{\text{ўз.аъзо}} = 16,8 + 0,211 \cdot X_1 + 0,917 \cdot X_2 - 0,53 \cdot X_3 + 0,022 \cdot X_4, \quad (2)$$

бу ерда: Y – корхоналар соф фойдаси; X_1 – корхоналарга киритилган инвестициялар ҳажми; X_2 – корхоналарнинг фойда солиғини тўлагунга қадар фойдаси; X_3 – корхоналарнинг давр харажатлари; X_4 – асосий воситаларнинг бошланғич қиймати.

Ҳар бир танлаб олинган омилнинг вақтга боғлиқ ўзгаришидаги регрессия тенгламалари аниқлаб олинади:

Корхоналарга киритилган инвестициялар ҳажми:

$$X_1 = 56,1 + 11,2 * t;$$

Фойда солиғи тўлагунга қадар фойда:

$$X_2 = -11,2 + 35,3 * t;$$

Давр харажатлари:

$$X_3 = -57,9 + 32,7 * t;$$

Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати:

$$X_4 = -451,1 + 406,7 * t;$$

Ҳар бир омил бўйича ҳисобланган қийматларни (2)-моделга қўйиб, 2019-2025 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикасида «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасига аъзо корхоналар фаолияти соф фойдасининг ўзгариш прогнози ҳисоблаб топилади.

4-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2025 йилга бориб, Ўзбекистон Республикасида «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасига аъзо корхоналарнинг соф фойдаси 2019 йилга нисбатан 36,4 %, инвестиция ҳажми 29,9 % ва давр харажатлари 45,3 % ошиб, мос равишда 592,5 млрд. сўм, 291,3 млрд. сўм ва 628,8 млрд. сўм бўлиши кутилмоқда ва у қуйидаги 4-жадвалда ўз аксини топган.

Таъкидлаш жоизки, бу борада ишлаб чиқаришнинг модернизацияланганлиги ва бошқарув харажатлари қисқартирилганлиги, ўз навбатида, давр харажатлари рентабеллигининг 2025 йилда 2019 йилга нисбатан 1,45 фоизга ўсиши кутилади.

4-жадвал

Ўзбекистон Республикасида «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасига аъзо корхоналар фаолияти прогнози¹²

Йиллар	Соф фойда, млрд. сўм	Асосий капиталга киритилган инвестициялар, млрд. сўм	Фойда солиғини тўлагунга қадар фойдаси (зарари), млрд. сўм	Давр харажатлари, млрд. сўм	Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати, млрд. сўм
2019	434,4	224,1	518,3	432,6	5649,4
2020	460,7	235,3	553,6	465,3	6056,1
2021	487,1	246,5	588,9	498,0	6462,8
2022	513,4	257,7	624,2	530,7	6869,5
2023	539,8	268,9	659,5	563,4	7276,2
2024	566,1	280,1	694,8	596,1	7682,9
2025	592,5	291,3	730,1	628,8	8089,6


Корхоналарда вертикал интеграциялашув бошқаруви самарадорлигини ошириш фаолият юритаётган фирма, корхона, ташкилот ва корпорацияларнинг рақобатбардошлиги мамлакатнинг монополияга қарши кураш ва рақобат муҳитини яхшилаш тизими самарали ишлашига боғлиқ. Шу билан бирга миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги хусусий мулкчиликнинг ривожланганлик даражаси, уни давлат томонидан қафолатлаш тизими ҳамда мамлакатнинг инновацион сиёсати ва кучли институционал муҳит даражаси юқорилиги билан ҳам белгиланади.

Диссертациянинг «Саноат корхоналарини вертикал интеграциялаш асосида бошқарув самарадорлигини ошириш йўллари» деб номланган учинчи бобида хорижий давлатларда вертикал интеграциялашган бошқарувни жорий этиш тажрибаси, вертикал интеграциялашган саноат корхоналарини бошқариш самарадорлигини баҳолашнинг мезон ва кўрсаткичлари, саноат корхоналарини вертикал интеграциялаш асосида инновацион бошқарув тизими самарадорлигини ошириш таклиф этилган.

Хориж тадқиқотчиларининг фикрича, вертикал интеграциялашган корхоналарнинг ташкил этиш шартлари қуйидагилардан иборат: иқтисодиётда хавфли ва ишончсиз бозорларнинг юзага келиши; ишлаб чиқариш занжирининг кўшни сегментларида фаолият юритувчи компаниялар бозорининг кучи юқорилиги; бозордаги маҳсулот нархлари нотекислиги; истеъмолчиларнинг тўлов қобилиятига эга эмаслиги ва бозорнинг ночорлиги (харидорлар ва сотувчилар чекланганлиги, ишончсизлиги).

¹² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Диссертацияда айтиб ўтилганидек, «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасига аъзо корхоналарнинг инновацион фаолиятини ривожлантиришда вертикал интеграция стратегияси моделини жорий этиш биринчидан, ўз имкониятлари ва таъсир этувчи омиллар ҳамда иқтисодий муносабатларни жиддий кўриб чиқишлари, айланма воситаларни аниқ билишлари лозим. Уюшмада асосий эътибор ахборотлар оқимини бошқариш йўналишларига қаратилиши лозим. Ушбу келтириб ўтилган ҳолатдаги иқтисодиёт тизимларда корхоналарнинг вертикал интеграциялашувини таъминлаш мақсадга мувофиқ. Олиб борилган тадқиқотлар натижасидан келиб чиққан ҳолда енгил саноат корхоналарининг бошқарув фаолиятини ривожлантиришда вертикал интеграция модели таклиф этилди (3-расм).



3-расм. Енгил саноат корхоналари инновацион фаолиятини ривожлантиришда вертикал интеграция стратегияси модели¹³

Енгил саноат корхоналари интеграциялашувидаги асосий муаммо тизимдаги корхоналарнинг буюртмалар партфели бўйича аниқ маълумотлар

¹³ Муаллиф ишланмаси.

мавжуд эмаслиги, газлама ишлаб чиқарувчилар билан тикувчилик корхоналари ўртасидаги ахборотларни бошқаришнинг ахборот коммуникацияси тизимлаштирилмаганлиги ҳисобланади.

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасига аъзо бўлган жами 1300 га яқин корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнларини вертикал интеграциялаш асосида бошқарув самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари ишлаб чиқаришнинг ҳар бир бўғини ёки тизими ўзаро мувофиқ келишини таъминлаш ҳисобланади.

Вертикал интеграциянинг афзаллик ёки камчиликларини таҳлил қилишда сотувчи ва харидорларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолаш муҳимдир. Демак, талаб ва таклифни таҳлил қилишнинг бундай усули мумкин бўлган ҳаракатларнинг тўлиқ ҳажмини кўришга ёрдам беради, лекин таъкидлаш жоизки, натижадан прогнозни аниқлаш учун фойдаланиш мумкин эмас.

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси томонидан амалга оширилган мунтазам ўрганишлар, вертикал интеграция шаклланди кластерларнинг молиявий ҳолати таҳлиллари натижалари эса 2018 йилда режага мувофиқ натижалар қайд этилмаган ва якуний молиявий натижага кўра, даромадларнинг умумий ҳажми харажатларга нисбатан 9 468,6 млн.сўм камлиги аниқланди.

Натижалар далолат бермоқдаки, кластерларни шакллантириш учун аввало, кластер ташаббусларини амалга ошириш муҳит, унинг тузилмавий таркиби ва фундаментал методологик асослари яратилиши лозим.

Тадқиқотда вертикал интеграциялашган корхоналарнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолаш усули ишлаб чиқилди ва меҳнат унумдорлиги ўсиши орқали меҳнат самарадорлиги таъсири аниқланади. Ишлаб чиқаришда вертикал интеграциялашган корхонада ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаришига таъсир қуйидаги формулалар асосида ҳисоб қилинади:

$$Q_{ij} = \frac{\sum q_1 U_b}{Q_{i_1}} \div \frac{\sum q_0 U_b}{Q_{i_0}} = 1 + \frac{I_u - I_{qi}}{I_{qi}} = 1 + \frac{\sum q_0 (x_0 + f_0 + m_0^m) I_u - \sum q_1 (x_0 + f_0 + m_0^m) I_{qi}}{Q_{i_1}}, \quad (3)$$

бу ерда: q_0 ва q_1 – ҳисобот ва базис даврларда натурада ифодаланган маҳсулот сони;

U_b – базис даврда маҳсулот бирлигини тайёрлаш учун сарфланган тўлиқ меҳнат сифими (иш ҳақи);

Q_{i_1}, Q_{i_0} – ҳисобот ва базис даврларда ишлаб чиқариш ҳажми, сўм;

I_u, I_{qi} – ишлаб чиқариш ҳажми индекси;

x_0 – базис даврда маҳсулот бирлигини тайёрлаш учун моддий харажатлар;

f_0 – базис даврда маҳсулот бирлигига тўғри келувчи фойда, сўм;

m_0^m – бошқарув харажати сўм.

Вертикал интеграциялашган ишлаб чиқаришда тузилма ўзгаришларнинг чуқур таҳлилинини ўтказиш, ҳар хил ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзаро боғлиқлигини билиш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

